

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 16-dekabr • Shanba • 148 (27.639) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида саноят сиёсати ва мазкур соҳага оид қўмитани ташкил қилишга бағишланган ўтказилган давра суҳбатини ўшбу қўмита раиси И.Қочмарик бошқарди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, қорхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда мутахассислар қатнашди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан саноятни янада ривожлантириш борасида изчил олиб борилаётган инвестицион, солиқ ва кредит сиёсати, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоратadbирлар ҳамда мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани алоҳида таъкидланди. Қўрилаётган бундай тадбирлар ишлаб чиқариш суръатларининг жадал ўсишига хизмат қилмоқда. Илгилри саноят қорхоналарининг ривожланишини таъминлашга қаратилган амалдаги қўмитани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулохазалар тиндирилди.

Б.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Баркамол авлод орзуси



ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ, ШИНАМ

Денов хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан бугун 1200 нафардан ортиқ ўғил-қиз ўн та мутахассислик бўйича касб-хунар сирларини эгалламоқда. Коллежда ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий фан хоналари, бой китоб фондига эга кутубхона, стадион, муҳташам спорт зали, шинамгина ётоқхона та-

лабалар ихтиёрида. Билим масканида дарслар амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилади. Бунинг натижасида ақинда коллеж жамоаси Польшанинг 175 минг долларлик грантини, яъни таълим жараёнида зарур бўладиган замонавий асбоб-ускуналарни қўлга киритди.

— Хорижлик мутахассислар ускуналарни ўрнатиб беришди, — дейди коллеж директори Шамсиддин Элбеков. — Бу талабаларимиз учун муносиб совага бўлиб, улар касб-хунар сирларини янада чуқур ўрганишига хизмат қилади, қизларимизнинг миллий ва замонавий либослар тикишида асқотади. Дарҳақиқат, энди бу зийё масканида бежирим кийим-кечак-

лар билан бир қаторда кўзни қувонтирадиган атласу адрас, ипақдан бўлган зардўзлик буюмлари ҳам тайёрланади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ
♦♦♦
Суратда: коллеж ҳаётидан лавҳа.

Муҳаммади ЖУМАЕВ
олган сурат

Муносабат

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Ҳозир юртимизнинг қайси гўшасида, қайси даврасида қатнашманг, суҳбат мавзуи 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» этиб белгилангани тўғрисида бўлади. Катта-ю кичикнинг, касби-қоридан қатъи назар барча бу тақлифни мамнунлик билан қўллаб-қувватламоқда.

Фарида АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП фаоли:

— Шу вақтга қадар Юртбошимиз томонидан эълон қилинган йилларнинг номлари моҳиятига эътибор берган бўлсангиз, уларнинг ҳам негизда аслида ижтимоий ҳимоя масалалари ётибди. Яқинлашиб келаётган 2007 йилда эса бу ишлар янада кучаядиган бўлди. Мени жуда қувонтиргани шу бўлдики, мамлакатимиз раҳбари бу йилда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига, уларнинг ўз ҳаётларини тўғри изга солиши учун қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилишини таъкидладилар. Кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ҳеч кими йўқларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари давлат дастурига киритилади. Эзгу ишларимиз давом этади. Агар мана шу қатламни қанчалик ҳимоя қилсак, Президентимизнинг ўзлари таъкидлаганларидек, халқ Юртбошимиздан раҳбарлардан рози бўлади. Ҳаётдан рози бўлган одамда эртанги кунга ишонч пайдо бўлади. Эртанги кунга ишонган одамда бунёдкорлик ҳаракати, яратувчанлик кайфияти кучаяди.

Гулчехра НОРҚУЛОВА, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси:

— Биз мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётибмиз. Бундай мақсадга эришиш ва уни амалга оширишда фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиши тақлиф этганлари олий мақсад сари қўйилган яна бир қадамдир, деб ўйлайман.

Ҳабарингиз бор, ақинда Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасига иккита қонун лойиҳасини киритдилар. Тантанали маросимда у кишининг ўзлари бу ҳақда алоҳида тўхтадилар. Ушбу ташаббусдан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаш, қонунларни қабул қилиш жараёни ҳам

асосан келаётган йилда амалга оширилади. Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига давлат сиёсати даражасида катта эътибор берилиши ҳамда давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролининг ошиши оқоридидаги эзгу мақсадларимизга янада тезроқ етишимизга хизмат қилади.

Умирдин НАЖИМОВ, «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг «Ўзбекнефтмаш» қорхонаси газ билан металл қирқувчиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб:

— Меҳрога, эътиборга, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, кўнгилларини кўтариш энг савобли ишдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлса, Президентимизнинг келаётган йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилишлари кўпчилигининг дилидаги гап бўлди.

Порья ИГИСИНОВА, Навоий вилояти Томди туманидаги 21-мактаб-интернат ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

— Президентимизнинг Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан тантанали маросимда сўзлаган ҳар бир сўзларини мароқ билан тингладим. Фикрларининг магзини қақишга уриндим. У киши келаётган йилни номлаш ҳақида тўхталиб, бу борада ўз тақлифларини киритганларида залда давомли гулдирос қарсақлар янгради. Барча у кишини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаганлигини ана шу қарсақлардан ҳам билса бўлади...

Мен Юртбошимиз ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақларини янада ошириш ҳақида гапирганларида яна бир бор ҳаяжонландим. Чунки, ўз касбинг ҳақида сўз бораётганда ҳеч ким бунга бефарқ қараб тура олмас керак. Шу йилнинг ўзида ҳам халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилган эди. Булар барчаси жамиятда ўқитувчининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий, маънавий, руҳий қўллаб-қувватлаш масалалари кўнаётганлигидан далолат беради. Бу эса бизни келажак авлод тарбиясида янада жон кўйдиришга, янада фаол ҳаракат қилишга чорлайди.

Бехзод ШУКУРОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашларида

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаларининг Қонунчилик палатасига киритилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган Сирдарё вилоят кенгаши раиси Абдумалик Қўчқоралиевнинг маърузаси тингланди.

Музокараларда иштирок этганлар ҳам масала юзасидан нуқтаи назарларини баён этдилар.

Гулнора ҚУВВАТОВА, халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутаты, Сардоба туман Марказий шифохонаси бош шифокори:

— Бугун қабул қилинадиган Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг ташкилий ва сиёсий тадбирлари Дастури — вилоят партия ташкилотининг тарихий бўлиши билан биз депутатлик гуруҳининг амалий ҳаракатлари дастуридир. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаларидаги қондаларнинг рўйбога чиқарилиши нафақат давлат бошқарувини янгилаш, балки партиялар олиб бораётган ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Раббимқул ИБРАГИМОВ, ЎзХДП Бойвут туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Бу қонунлар сиёсий партияларнинг давлат бошқарувида роли, мавқеини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини такомиллаштириш, кучайтиришга йўналтирилган, деб биламан.

Назкат ЭРМАТОВА, ЎзХДП Ховос туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Халқ депутатлари туман Кенгашида депутатлик гуруҳимиз кўпчилики ташкил этади ва етакчи ҳисобланади. Қонун назаримда нафақат партия гуруҳларининг мавқеини оширади, балки катта масъулиятни зиммамизга юклайди. Худудимиз тақдирига жавобгарлик ҳиссини оширишимизни талаб этади.

Пленумда шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева, ХДП Сирдарё туман Кенгаши раиси ўринбосари Д.Юсупов, ХДП вилоят Кенгаши аъзоси И.Исоқовлар ҳам сўзга чиқиб ўз фикрларини билдирдилар. Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тадбирлар дастури тасдиқланди.

Алишер ТОШМАТОВ

Ифтихор

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

«...Яна бир саховатли инсон — Тошкент шаҳар, Сирғали туманида истиқомат қиладиган пенсионер Суярқул Туроббоев ўз ҳисобидан 1,7 миллион сўм маблағ сарфлаб, қаровсиз ётган жойни обод қилган, 4 мингдан зиёд кўчат экиб, кўркам хиёбон барпо этган.»

(Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан)

Бу дунёда савоб ишининг моҳиятини ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир ўзидан орттириб қилган ёрдамни муруват деса, яна кимдир бир умрлик эзгу амаллари, хайр ва савоб йўлида бажарган юмушларини оддийгина қилиб яхшилик, деб атайди. Айнан халқимизга хос бундай улғу фазилат замирида улкан маъно-мазмун мужассам.

Улуғларда бир гап бор: эзгулик — эзгуликлардан тугилади, деган. Қалбда мурувату саҳийлик туйғуси жўш урган инсон ҳеч қачон биронинг даъватини қутиб турмайди, зарур дамда муҳтожга меҳр кўрсатиб, кўпчилик манфаати йўлида беминнат, бегараз амаллар бажаришни ўзининг бурчи деб билади. Бунинг асосида, туб-тубида ётган нарса битта: у ҳам бўлса олийҳимматлик, эзгуликни соғиниб яшаш ҳиссидир.

Сирғали туманида яшовчи камтарин, камсуқум оқсоқол Суярқул Туроббоевни шу кунгача кўпчилик оддий пенсионер сифатида биларди. Лекин уни бугун яқиндан таниган, савобли юмушларидан хабардор бўлганлар «Катта ишга қўл урибди, илоҳим, ниятига етсин», дея ҳурмат билан тилга олишмоқда.



3-бет

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

«Собир Раҳимов туманидаги «Чуқурсой» маҳалласида яшовчи 76 ёшли О.С. воёга отмаган фарзанди учун нафақа тайинлашни сўраб бир неча бор муурожаат қилган. Унинг аризалари асосиз равишда рад қилинган. Айни пайтда худди шу маҳаллада яна бир оиланинг 18 ёшга тўлган фарзанди учун эса нафақа бериш давом этирилган.»

2-бет

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Тошкент — ҳар қандай ривожланган давлатларнинг пойтахтидан қолишмайдиган шаҳар. Кенг, равион йўллари, кўркам бинолар кўп. Ўзбекистоннинг келажаги буюк. Дунё эртанга уни янада чуқурроқ тан олишига ишончим комил.»

3-бет

ХАЛҚИМИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

«Осиё ўйинлари голибларини қутлаймиз!»

4-бет

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Бадий академиянинг кўрғазмалар залида Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчиюнаси ва Ўзбекистон Савдо-саноят палатаси билан ҳамкорликда «Уй-жиҳозлари ва мебель» халқаро кўрғазмаси очилди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Индонезиянинг Фавқулодда ва муҳтор элчиси Шахри Сабаруддин бўлажак

кўрғазма мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришини таъкидлаб ўтди.

20-22 декабрь кунлари ўтадиган Индонезиянинг илк кўрғазмасида табиий ашёлар, ротаг дарахти, океан ўсимликлари ва банан толаларидан ишланган жиҳозлар кенг намойиш этилади.

Алишер РҲЗИЕВ

«Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлса, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор.»

БУ ҲАҚДА...

БУ ҲАҚДА Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлади.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар янги кўрсаткичларга эришди

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар янги кўрсаткичларга эришди

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKIDORGA HANKORI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74

WWW.tshbmn.uz e-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар янги кўрсаткичларга эришди

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар янги кўрсаткичларга эришди

Ўзбекистон — Япония:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўзбекистон истиқлолга эришган ilk йиллардан бошлаб, кунчиқар мамлакат биз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Япония Халқаро Ҳамкорлик Агенцияси (JICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Нориаки НИШИМИЯ билан сўхбатимиз Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг янги босқичлари ҳақида бўлди.

— Аввало агентлик фаолияти, Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳақида қисқача тўхталангиз.

— JICA давлат тузулмаси сифатида 1974 йилнинг 1 августида ташкил қилинган бўлиб, бу ташкилот ривожланаётган мамлакатларга Япониянинг ривожланиш расмий ёрдам дастурини амалга оширади ҳамда ҳамкор давлатлар билан Япония халқи ўртасида кўприк бўлиб, ҳар иккала томоннинг билим ва тажрибаларига асосланган ҳолда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

JICA ўзининг ваколатхонасини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб — 1999 йил май ойида Ўзбекистон очди.

Аслида JICAning мамлакатингиз билан ҳамкорлик тарихи 1993 йилдан эътиборан 22 нафар ўзбекистонликнинг малака ошириш учун Японияга тақлим қилиниши ва кунчиқар давлатдан мамлакатингизга иккита эксперт юборилишидан бошланган, демак хато бўлмайдими. Қисқа вақт ичида агентлик Ўзбекистондаги ҳамкорлик фаолияти билан бирга бутун Марказий Осиё бўйлаб ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Марказий Осиёда фаолиятимизни кенгайтириш учун айнан Ўзбекистонни танлаб тўғри қилганимизни ўтган вақт ишоботлаб берди. Ўз фаолиятимизни бошлагандан буён то ҳозиргача кунта қадар мингдан ортқ ўзбекистонлик истеъодли йигит-қизлар


Японияда ўз билим ва тажрибаларини ошириб келишди. — Шу йил ёзи охирида Ўзбекистон Республикаси Президентини тақдир билан Япониянинг собиқ бош вазири жаноб Жунъичиро Коидзуми юртимизга қилган расмий ташрифидан сўнг JICAда иқтисодий-ижтимоий, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш учун қандай имкониятлар пайдо бўлди?

— Авваломбор Япониянинг собиқ раҳбари юртингизга ташриф буюриши бизнинг бу ердаги барча фирма ва агентликлар фаолиятини янада кенгайтириш ва кўприк сармоя киритишга имконият яратди. Чунки ҳар иккала давлат раҳбарларининг музокаралари чоғида диққат-эътибор шу нарсага қаратилди. Бундан ташқари Президентингиз номига собиқ бош вазири томонидан юборилган миннатдорчилик мактубидан ҳам билиб олас бўлади. Бевоқифа бу ташрифидан сўнг бизнинг ваколатхонамизда ҳам бир неча янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётган. Япония ҳукумати томонидан ҳар йили бегараз ёрдам сифатида ўрта ҳисобда 10 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратиб келинмоқда. Бир сўз билан айтсак, шу вақтгача юртингизга киритилган Япония сармоясиди ҳамми салкам икки миллиард долларга етгани ҳамкорлик қўламини кенглигининг яна бир далилидир.

Масалан, биз ўзимизнинг икки йиллик лойиҳамизни ишлаб чиқдик. Унда Японияга тажриба алмашиш учун юборилганлар сонини камайтирмаслик мақсад қилиб қўйилган. Бундан ташқари, мамлакатингиздаги бир нечта соҳаларга грантлар ажратишни режалаштирганмиз. Жумладан, йўл қурилиши учун «Уэвотойў»га маблағ ажратиш режамиз бор. Бевоқифа собиқ бош вазирининг ташрифидан сўнг Япониядаги қўллаб-қувватлаш фирми ва университет вакиллари билан ҳамкорлик қилишлари кўпайди. Бундай ҳаракатлар иккала давлатга ҳам ҳар томонлама фойда келтириши, шубҳасиз.

— Ўзбек ва япон халқларининг ўшақатлари қўллаб-қувватлаш бўлиши, ҳушмуомалалик билан ҳамкорлик қилиши, шубҳасиз. — Ўзбек ва япон халқларининг ўшақатлари қўллаб-қувватлаш бўлиши, ҳушмуомалалик билан ҳамкорлик қилиши, шубҳасиз.

— Юқоридан сиз санаб ўтган хусусиятлар тўғрисида. Яна шуни қўшимча қилмоқчи эдимки, ўзбеклар — гўнгли очик, меҳмондўст халқ. Уйига меҳмон келадиган бўлса, очик чеҳра ва хушмуомалалик билан кутиб олишни яхши кўрар экан. Бирон нарсага бел боғлайдиган бўлса, албатта охиригача тиришқоқлик билан курашиб, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, бирон кишига ваъда бердимки уни бажармасликни гўноҳдек қабул қилади — масъу



улият ҳисси юқори. Яна бир ўшақатликни алоҳида таъкидламоқчиман. Давлат сизларда ҳам, бизда ҳам таълим соҳасига жуда катта эътибор бериб келмоқда. Чунки ўсиб келаётган ёшларга эътибор — бу пойдевори мустаҳкам давлатни яратиш демандир. Яна шуни эътироф этишим кераки, маорифга эътибор туйғайли сизларда саводхонлик даражаси жуда юқори, бунга ҳавас қилиш мумкин. — Сиз Ўзбекистонга келмасдан олдин Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида нималарни билардингиз? Бугунги таассуротларингиз қанақа? — Мен ўтган йили 22 август кунини юртингизга келдим. Ўзбекистонга келишимдан олдин бу халқ бой тарих ва меросга эга буюк Амир Темур авлодлари ҳамда янги давр кураётган инсонлар эканлиги ҳақида маълумотга эга эдим. Тўғриси айтсам, Марказий Осиё давлатларидан бири бўлган Ўзбекистон мени кўнган бери қизиқтириб келаётган эди. Афсуски, аввалроқ бу ерга келиш насиб қилмади, ҳозир эса ниятим амалга ошганидан жуда хурсандман. Тошкентга келиб тушганимда менда шундай тасаввур уйғонди: Тошкент — ҳар қандай ривожланган давлатларнинг пойтахтидан қолишмайдиган шаҳар. Кенг, равои ўйлар, кўркам бинолар кўп. Ўзбекистоннинг келажакига буюк. Дунё эртага уни янада чўқурроқ тан олишига ишончим комил.

Сўхбатдош: Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда капитал реконструкция қилинадиган қуйидаги иншоот бўйича ўтказиладиган танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш йўли билан очик танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БАНДИХОН ТУМАНИ, «ЧОРВАДОР» ҚФЙ, «ЗЕВАР» МАҲАЛЛАСИДАГИ 210 ЎРИНЛИ 26-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ.

МАЛАКАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚУЙИЛАДИ:

- ◆ ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга;
- ◆ фуқаро ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;
- ◆ шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ◆ ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектларида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);
- ◆ 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўйиллиш), тугатилиш ёки мол-мулкларини хатлаб, банкрот ёқасида турган, шунингдек таъсис актлари, молиявий иштироки, ҳолдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевоқифа таъсисий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиши учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов савдоларидаги «ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМАДА» ўз ифодасини тоган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосига қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Танлов ташкилотчисининг манзили: Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76, 2-44-57.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг 5 кундан кечикмай берилади.

Ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича тақлифлар эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (2-босқичга) ўтган оферталарга танлов ҳужжатларининг тўла тўпلامي нархи шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

XORIJDA

ШИФОКОРЛАР ВА ҲАМШИРАЛАР НОРОЗИЛИГИ

Мадрид шаҳри шифокорлари ва ҳамширалари давлат тизимидаги тиббий хизматда шарт-шароитлар яхшиланганини талаб қилиб, 48 соатлик норозилик намойиши ўтказмоқдалар. Норозилик намойишларида 70 минг нафар соҳа ходими иштирок этмоқда.

«Новости» ахборот агентлиги хабарига эйилишча, Испанияда аҳолининг 90 фоизи давлат тизимидаги тиббий хизматдан фойдаланади.

ДЕПУТАТ ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШИ МУМКИН

Қирғизистон парламенти депутатлар маҳами тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритди. Унга кўра, эндиликда депутатлар қурол олиб юришлари мумкин. «Фақат бунинг учун депутат парламент спикерига ёзма равишда расмий мурожаат этиши лозим, — деди парламент депутаты Асомидин Марипов. — Қурол депутатларнинг депутатлик мандати тугагунча эмас, балки умрбод берилиши мумкин. Энди қуролни қайси идорадан олиш масаласини аниқлаштириш лозим».

«AKIpress» ахборот агентлигининг маълум қилишича, бу қонун лойиҳасига нисбатан республика президенти Курманбек Бакиев «вето» қўллаган эди. Бирок депутатлар барибир қонунни қабул қилишди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шахсга қурол фақат президент ёки бош вазири қарори бўйича берилиши мумкин эди.

А.Мариповнинг айтишича, депутатлар фақатлигини ўйлаб қонунга ўзгаришлар киритилган. Маълумки, охириги йилларда депутатлар ҳаётига таъвоулар содир этилган. Жумладан, 2005 йилнинг сентябрь ва октябрда икки депутат, 2006 йил май ойида эса сайловда гўлиб чиққан депутатликка номзод олиб кетилган. Яна бир депутат эса қўйайтирилган тартибдаги қамқонда депутатлик текшируви ўтказётган пайтда ўлдирилган.

Лекин нима бўлгандаям юқоридан айтилган қонунга киритилган ўзгаришлар қўпгина тартибуларга сабаб бўлмақда. Хусусан, Қирғизистон ички ишлар вазирининг ўринбосари Темирхон Субановнинг айтишича, депутатларнинг қурол билан таъминланиши мамлакатдаги осудаликка путур етказди. Негаки, одамларда ўқотар қуролларнинг қўпайиши жиноятчилик оламини кенгайтиради. Ахир депутатлар қуроли қачондир жиноятчилар қўлига тушиб қолмаслигига ким қаранти беради? «Сенатор ёки депутат ҳаётини химоя қилиш учун унга қурол берилиши ҳақидаги қонун жаҳон тажрибасида йўқ. Шунинг учун депутатларга қурол бериш ўрнига давлат томонидан уларни қўриқлашни қўйайтириш лозим» деди у.

Мамлакат Ички ишлар вазирлиги маълумотларида қайд этилишича, ҳозирги кунда 22 ишлар депутат шахсий қуролига эга.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«МИРЗАЧЎЛ ТУМАНИДАГИ ҲАМНАМАЛИК БИНОСИНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ» Қурилиш ишларини тугаллаш муддати: 120 кун.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63. Тел.: (8-372) 226-06-81, 226-40-78.

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этидиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, лицензия талаб этиладиган ишларни бажариш учун лицензияга, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашган ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида қўрсатилган манзилда ўтказилади.

ҚОМУС ВА ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун Конституция мўътабар ҳисобланади. Табир жоиз бўлса уни ҳикматлар ҳазинасига қисқалаш мумкин. Чунки, у яратилган ва яратилаётган қонун ва қонунчи ҳужжатларимиз бош манбаи ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Конституциясининг маъно ва моҳиятига бағишланган юзлаб оммабоп асарлар, дарсликлар, қўлланмалар ёзилиб нашр этилди. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда. Бунинг боиси шунки, фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз Бош Қомусимизни чўқур ўрганса аҳоли ҳуқуқий маданияти юксалади, ҳуқуқий-демократик жамият пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Аввало шуни айтиш кераки, Конституциямиз моддаларида азалий қадриятларга алоҳида ўрин берилган. Адолат, раҳм-шафқат, юрт, Ватан қадри, меҳр-оқибат, эътиқод, оила, маҳалла сингари азалий қадриятлар, қадимий анъаналар ўз ифодасини топаган.

Бир мисол: Конституциянинг 63-моддасида «**Оила жамиятнинг асосий бўғиндир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга**», деб ёзиб қўйилган. Бизда қадим-қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Унинг асрлар синовидан ўтган ўз қонун-қодалари бор.

Истиқлол йиллари оила қадриятини янада улуғлаш, ғамхўрликни қўйайтириш даври бўлди. Оила кодексиди қабул қилинди, 1998 йили «Оила йили» деб эълон қилинди.

Оилага бунчалик эътиборнинг боиси нимада? Оила — жамият таянчи. Барча инсоний қадриятлар: она юртва меҳр, шарм-ҳаё, ор-номус, поклик, меҳнатсеварлик, каттага ҳурмат қичикча иззат шу муқаддас даргоҳда, ўзига ҳос тарбия ўчоғида шаклланади.

Давлат томонидан оилани моддий ва маънавий мустаҳкамлашга изчил ғамхўрлик қўрсатилаётганини ҳар қадамда кўриш мумкин. Айниқса, ночор ва кўп болали оилаларга берилаётган ижтимоий ёрдам бунинг ёрқин мисолидир.

Маънавий қадриятларимиз манбаи бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар ҳақида Бош Қомусимизнинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» (XX боб) 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органи экани, ўз фаолиятини қонун доирасида олиб бориши қўрсатилган. Утишида ҳам, бугунда ҳам маҳалланинг ўрни беқиёс эканлиги ҳисобга олиниб, маҳалла ҳақида қонун қабул қилинди, Президент Фармони билан 1992 йилда «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилди. Бу эса маънавий-маърифий тадбирлар маркази бўлган маҳаллаларни обрўси ва нуфузиди янада кўтариб юборди. Бундан маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти қонунлар билан, давлатимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Об-

Ифтихор

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўли меҳнатда қотган, ҳаётнинг оғир-енглигини кўп кўрган бу инсон узоқ йиллар Жиззах чўлларида чўлқуварлик қилди. Пешона тери эвазига бола-чақа қоқиб, уларни хунарли, меҳнатдан қочмайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Кексайиб, пенсияга чиққач, богдорчиликка ҳавас қўйди. Шу мақсадда ўзи яшаётган ҳудуддаги салкам икки гектарлик каровези майдонини обод этиб, у ерда боғ ташкил қилишга киришди. Унинг бу ниятидан хабар топаган туман мутасаддилари оқсоқолни қўллаб-қувватлаб, «зарур бўлса ҳар қандай ёрдамга шаймиз», дея кўнглини кўтаришди.

— Булар икки йил ичида қилинган ишлар, — дейди Суярқул Туроббоев. — Олдинлари бу ердан юриш тугул, ёнидан ўтишгаям қўрқарди одам. Ўн йиллар мобайнида ташландик жой бўлиб келган бу ерларни бетон плитаю хар хил чикиндилардан тозалаш осон бўлмади. Техникалар ёрдамга келган, бир ярим ой деганда майдон тептекис ҳолга келтирилди. Даставвал, арча, терак қўчатларини ўтказдик. Йўлақлар тортилиб, гулларга жой ҳозирланди. Ернинг ҳолати яхшиланди. Ҳаммаси бўлиб тўрт минг тупдан зиёд меваги ва манзарали қўчатлар экдик. Худо хоҳласа, келаси йили уларни яна кўпайтироқчиман.

— Бу одамнинг қилган ишлари фақат шу боғни яратиш эмас, — дейди «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Раҳимжонов. — Маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш, болалар учун ўйин майдонларини барпо этишга ҳам Суярқул отанинг ҳиссаси катта. Маҳалламиз аҳли ҳам бир четда қараб турмади, бу савобли тадбир-

да баҳоли-қудрат отахонга ёрдам беришди.

Дарҳақиқат, жонқуяр оқсоқолнинг ташаббуси кўпчиликни бунёдкорликка руҳлантиргани бор гап. Одамлар атроф-теварак обод бўла бошлаганини кўриб, ўзлари ҳам қўлни қўлга бериб ишга киришди. Кимдир қўчат келтирса, яна кимдир ободончиликка ҳисса қўшди. Хуллас, маҳалла ҳудуди файзли гушага айланди.

— Ҳозир одамларда олдингидек лоқайдлик, бепарволик йўқ, — дейди Суярқул Туроббоев. — Халқимиз бунёдкорлик туйғуси билан яшайпти. Ҳеч ким савоб ишдан четда қолишни истамайди. Президентимизнинг 2007 йилни «Ижтимоий химоя йили» деб эълон қилишлари барча қабилани ҳам қувонтириб юборди. Уша тантанали йиғилишда муҳтарам Юртбошимизнинг савоатпеша ватандошларимиз қаторида мени ҳам тилга олиб ўтгани қалбимни чекиз

Халқимизда «Эгуликнинг эрта-кечи йўқ» деган нақл бор. Бунақ улуг ўшида ҳам ана шундай хайрли ишларнинг бошида турган инсонлар ибрати одамлар қалбиде акс-садо бериб, уларни эгуликлар қилишга, эл-юрт манфаати йўлида савобли юмушнинг бошини туттишга ундаши шубҳасиз. Зеро, халқимиз «Яшидан боғ қолади», деб бежиз айтмаган.

Матназар ЭЛМУРДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири


Суратда: боғ яратган инсон — Суярқул Туроббоев (ўнгда) ва «Ўзгариш» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Раҳимжонов.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ношрилик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2006 йил 4 декабрдаги 8-сонли бёғни 13.2. бандига биноан:

Ўзбекистон Республикасининг «Ношрилик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 15-моддаси, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунининг 23-моддасига мувофиқ, «SHARO-PRESS» нашриёт уйи маъсулияти чекланган жамиятига 2005 йил 1 августида 5 йил муддатга берилган АИ № 060-сонли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилган, деб ҳисоблансин.

15TH ASIAN GAMES
DOHA 2006

ХАЛҚИМИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



Академик эшкак эшиш бўйича олтин медаль соҳиблари Руслан НАУРЗАЛИЕВ, Владимир ЧЕРНЕНКО


ҚИТЪАМИЗНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ
МУСОБАҚАСИ — XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ 11 ТА
ОЛТИН, 14 ТА КУМУШ ВА 14 ТА БРОНЗА
МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛИБ,
45 МАМЛАКАТ ОРАСИДА УМУМЖАМОА
ҲИСОБИДА ФАХРЛИ 7-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ




Академик эшкак эшиш бўйича олтин медаль соҳиблари Севара ва Зарина ФАНИЕВАЛАР




Енгил атлетика бўйича олтин ва кумуш медаллари совриндори Гузель ХУББИЕВА.



Каноэда эшкак эшиш бўйича олтин ва бронза медаллари соҳиблари Вадим МЕНКОВ



Бокс бўйича олтин медаль соҳиблари Баҳодиржон СУЛТОНОВ (57 кг.)



Бокс бўйича олтин медаль соҳиблари Рустам САИДОВ (+91 кг.)

Қатар давлати пойтахти Дохада ниҳоясига етган XV Осиё ўйинларида 45 мамлакатдан ўн мингдан ортиқ вакил спортнинг 39 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Ҳамюртларимиз эса 30 та спорт тури бўйича майдонга тушишди. Ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиш ўттиз тўққиз давлат вакилларига насиб этди.

Мусобақаларда, айниқса, боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Ўнта вазн тоифасида рингга кўтарилган «чарм кўлқоп» усталаримиз учта (Баҳодиржон Султонов (57 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.)) олтин, битта (Жасур Матчонов (91 кг.)) кумуш ва иккита (Бекзод Хидиров (60 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.)) бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш баҳсларида ҳам ҳамюртларимиз ўз маҳорату матонатларини намойиш қилдилар. Каноэда эшкак эшиш бўйича Вадим Менков 1000 метр масофага ўтказилган мусобақада олтин, 500 метр баҳсларида бронза медали билан тақдирланди. Шунингдек, 500 метрга каноэда эшкак эшиш жувтлик мусобақасида ҳам Рустам Мирзадиёров, Максим Кирияновлар маррага учинчи бўлиб етиб келишди. 1000 метрга ўтказилган жувтлик баҳсларида эса Герасим Кочнев, Серик Мирбековлар кумуш медалга муносиб кўрилди.

Байдаркачиларимиз эришган ютуқ ҳам каноэчиларникидан кам бўлмади. Жумладан, Алексей Бобононов 1000 метр масофага уюштирилган шахсий биринчиликда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 500 метрга жувтлик баҳсларида ҳам Сергей Борзов билан кумуш медалини кўлга киритди. 2002 йил Пусанда ўтказилган XIV Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Юлия Борзова 500 метрга байдаркада эшкак эшиш бўйича Дохада олтин медалга сазовор бўлди. Худди шу масофага эркалар ўртасида кечган баҳсларнинг кумуш медали Борзовларнинг эгизаги — Сергейга насиб қилди.

Мусобақалар яқунлишига икки кун қолганида Ватанимиз спортчилари жамғарилган медаллар ҳисоби бўйича умумий рўйхатнинг 12-погонасида боришаётгани. Баҳсларнинг сўнгги кунларида беллашувларни бошлаган эркин курашчиларимиз мухлисларнинг қувончига қувонч қўшишди. Дастлаб жаҳон чемпионати совриндори Сослан Тигиев (74 кг.) ўз вазн тоифасида бронза медалини кўлга киритган бўлса, яна бир вакилимиз Олег Каллагов (96 кг.) финалда эронлик Али Ризо Хайдар билан курашиб, жамғармамизга

навбатдаги кумуш медалини туҳфа қилди. Халқ демократик партияси аъзоси Дилшод Мансуров (55 кг.) XV Осиё ўйинларида кетиш олдидан мусобақага кўнгиладиган ҳозирлик кўргани, қитъада тенгсизлигини исботлаш учун имконияти етарли эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Икки карра жаҳон чемпиони, XIV Осиё ўйинлари ғолиби ўз сўзининг устидан чиқди. Нуфузли мусобақада Дилшод бирин-кетин Жерри Ангана (Филиппин), Хиденори Таока (Япония), Таки Дадаши (Эрон) сингари рақибларини енгиб, финалга йўлланма олди. Хал қилувчи учрашувда КХДР вакили Гук Неон Жонни мағлубиятга учратиб, Осиё ўйинларининг навбатдаги олтин медалини ўз ҳисобига эзиб қўйди. Дунёнинг етакчи курашчиларидан саналган Заурбек Соҳиев (84 кг.)дан ҳам умидимиз катта эди. Аммо, финалда эронлик спортчиға қарши гиламга чиққан ҳамюртимизнинг бироз омади чопмади ва кумуш медаль билан кифояланди.

Шу йилнинг кузида Гуанжоу (Хитой)да ўтган жаҳон чемпионатида иккинчи марта олтин медаль совриндори бўлган Артур Таймазов (120 кг.) Доха гиламларида ҳам ўзининг тенгсизлигини исботлади. Дастлабки учрашувларда Мўғулистон, Жанубий Корея вакиллари енгилан курашчиларимиз финалда Осиёнинг энг кучли полвонларидан бири сифатида эътироф этилаётган Фардин Валади Масоуми (Эрон)га рўбарў келди. Ушбу учрашувга қадар тўртбеш вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлган эронликлар бу гал ҳам галабадан умид қилишаётгани, албатта. Эронлик полвон хал қилувчи баҳс олдидан спорт саройига йиғилган томошабинларга ўз салтосини намойиш қилиб, мухлисларнинг гулдурас олқишига сазовор бўлди. Аммо Фардин Валадининг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Доимо вазмин ва босиқ Артур гиламда юксак маҳорат кўрсатиб, муддатидан илгари 13:0 ҳисобида эронлик курашчини доғда қолдирди. Эркин курашчиларимиз иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлиб, Осиёда муносиб обрў-эътиборга эга эканликларини яна бир бор исботлашди.

Ўз Ватани шарафини улуғлаган, обрў-эътиборини оширганлар халқ фахри ифтихорига, қахрамонига айланади. Қитъа олимпиадасида ўз маҳорати, матонатини намойиш этган, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган йигит-қизларимиз ҳам чин маънода халқимизнинг фахри, ифтихори ва қахрамонларидир.

Эркин ХОЛБОБО,

«Ўзбекистон овози» муҳбири

◆◆◆
Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) ҳамда
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар


ШУ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРДА
ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОР
СПОРТЧИЛАРИМИЗНИ,
УЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ
ВА МУХЛИСЛАРИНИ ЮКСАК
ҒАЛАБАЛАР БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ,
КЕЛГУСИДА УЛАРГА ЯНАДА
ЁРКИН МУВАФФАҚИЯТЛАР
ЁР БЎЛИШНИ ТИЛАЙМИЗ!



Бокс бўйича олтин медаль соҳиблари Элшод РАСУЛОВ (75 кг.)



Байдаркада эшкак эшиш бўйича олтин медаль соҳиблари Юлия БОРЗОВА



Эркин кураш бўйича олтин медаль соҳиблари Артур ТАЙМАЗОВ (120 кг.);



Эркин кураш бўйича Осиё ўйинларининг икки карра ғолиби Дилшод МАНСУРОВ (55 кг.);



Каратэнинг кумитэ баҳслари ғолиби София КАСПҲАТОВА (+60 кг.);

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Olim MURODOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir
birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Baxtiyor DO'SJONOV
Muslihdin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va
xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va
salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va
ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80

VILOYAT

MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MABUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchesi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi» ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyat-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
008-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.

Г — 1450

7037 nusxada bosildi

Г — Тижорат материали

O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda